

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими тўғрисидаги

НИЗОМ

I-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси деб аталади) Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бўлимининг (кейинги ўринларда бўлими деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, шунингдек бўлим бошлигининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда Транспорт вазирлиги деб аталади) буйруқ ва қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

II-боб. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлимининг вазифалари ва функциялари

3. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими худудий филиаллар ва идоравий мансуб ташкилот билан бирга «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясига юкланган вазифа ва функцияларни самарали амалга оширилишини таъминлаш;

- хорижий давлатларнинг темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тажрибасини ўрганишни ташкил этиш;

- Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими ваколати доирасида «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан юқори ташкилотлар ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик амалга оширилишини таъминлаш;

- идоравий мансуб ташкилотни ривожлантиришга кўмаклашиш, уни ривожлантириш истиқболларини белгилашда иштирок этиш;

- темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлашга, темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби, техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини назорат этиш;

- темир йўлда ташишлар хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш ва халқаро ташкилотларда Транспорт вазирлиги манфаатларини ифода этишни таъминлаш;

- Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси назоратидаги идоравий мансуб ташкилотлари томонидан

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, Транспорт вазирлигининг буйруқлари ва қарорлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

- ўз ваколатлари доирасида «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосари буйруқлари ва фармойишларини бажаради.

4. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими «Ўзтемирйўлназорат» инспекция ҳудудий филиаллари, идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

- тадбиркорлик субъектларига темир йўлларда юк ва йўловчи ташиши хавфсизлигини таъминлаш масалалар бўйича ахборот, услубий, ташкилий ва маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларида уларнинг темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатланувчи таркибни, темир йўл транспортининг техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда норматив ҳужжатлар талабларини бажаришини белгиланган тартибда текширади;

- темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлда ташишлар хавфсизлик даражасини ва темир йўл транспортининг техник воситалари ишончилигини оширишга қаратилган комплекс профилактика чора-тадбирлари белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

- тадбиркорлик субъектларининг буюртманомаларига мувофиқ объектлар, маҳсулотлар ва технологияларнинг темир йўл транспорти соҳасида белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан уларни доимий ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилишда иштирок этади;

- умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида ва шохобча темир йўлларда темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш бўйича давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

- темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, темир йўллардан техник фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ишида, конференциялар ва семинарларда иштирок этади;

- темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилишлар, семинарлар ташкил этади ва ўтказди;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлайди.

III-боб. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлимининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлимини (кейинги ўринларда инспекция бўлими деб аталади) ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилотларидан таҳлил этиш ва масалаларни қайта ишлаш учун зарур материаллар ва маълумотларни, шунингдек, «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

зарур бўлганда, «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ҳамда ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси ваколатига қирадиган соҳасида республиканинг юқори тезликда ҳаракатланадиган темир йўл участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ва

мувофиқлаштириш, шунингдек, назорат этиш бўйича идоралараро комиссиясининг ишини ташкил этиш ва таъминлаш;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилотидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қайта ишлаб чиқишни талаб этиш, зарур бўлганда, қайта ишлаб чиқиш учун қайтариш;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

ҳудудий филиаллар ва идоравий мансуб ташкилот раҳбарларига зудлик билан ҳал этишни талаб этадиган ва «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Транспорт вазирлигининг топшириқлари, шунингдек, «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси ҳамда унинг раҳбариятининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши юзасидан «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилотининг фаолиятини ўрганиш ва белгиланган тартибда текшириш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериш;

темир йўл транспортининг техник воситаларидан фойдаланишни ва бу борадаги ишларни бажаришни белгиланган тартибда тўхтатиш, носозлиги сабабли одамлар ҳаёти ва соғлигига, ташишлар хавфсизлигига хавф туғдирадиган поездларнинг ўтиш жойлари, станциялар ҳамда кириш йўлларида ҳаракатланишни тўхтатиш ёки ҳаракатланиш тезлигини чеклаш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

сифатсиз таъмирлангани учун локомотивлар, моторвагонли ҳаракатланувчи таркиб ва вагонларни, йўллар ва бир изни бошқа изга ўтказиш стрелкаларини, сигнализация ва алоқа мосламалари, боғланиш тармоқларини таъмирлашдан чиқаришни ман этиш;

локомотивлар, вагонлар, йўллар, сигнал, алоқа ва электр таъминоти тизимлари, шунингдек, темир йўл транспортининг бошқа техник воситалари комиссия кўригидан белгиланган тартиб бузилган ҳолда ўтказилгани учун уларнинг натижаларини бекор қилиш;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий филиаллар ва идоравий мансуб ташкилоти томонидан темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида темир йўл тармоғини ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

фукаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сафарлар чоғида локомотивлар ва поездлар бригадалари таркибда текширувчилар сифатида иштирок этиш.

Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV-боб. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги.

6. Қуйидагилар Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичлар бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ва таркибий бўлинмалар ва ҳудудий филиаллар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга

доир кўшимча чоралар кўриш бўйича «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси бошлиғи ўринбосарига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

«Ўзтемирўлназорат» инспекцияси қарорларининг, «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

бўлим ва ҳудудий филиаллар ишларининг ҳар чораклик режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти фаолиятига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси раҳбариятига киритиш;

ҳудудий филиаллар ва таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси бошлиғи ўринбосарига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, лаёқати, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатлари юқори даражасининг кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, «Ўзтемирўлназорат» инспекциясининг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси бошлиғи томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Транспорт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, «Ўзтемирўлназорат» инспекцияси бошлиғининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Транспорт вазирлигида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

«Ўзтемирўлназорат» инспекциясига тақдим этилган таклифларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатдан пухта экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат

сафарлари харажатлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғига давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш, уларнинг фаолиятида «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси ходимларининг фаол иштирокини йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

V-боб. Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғининг жавобгарлиги.

7. Бўлим бошлиғи қуйидагиларга масъулдир:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти билан биргаликда «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясига юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

«Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича «Ўзтемирйўлназорат» инспекциясининг марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий филиаллар ва идоравий мансуб ташкилоти томонидан темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида темир йўл тармоғини ривожлантириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъулдир.

V-боб. Яқуний қоидалар

8. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.